

УДК 811.512.133

О НЕКОТОРЫХ ОБСУЖДЕНИЙ ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИХ
СВОЙСТВ ЧЛЕНОВ ПРЕДЛОЖЕНИЯО.С. Юсупова¹

Аннотация

В данной статье рассматриваются лингвопоэтические свойства членов предложений в узбекском языке.

Ключевые слова: члены предложения, лингвопоэтика, текст, литературный текст.

Бадий асар матнида барча синтактик бирликлар, хусусан гап бўлаклари ҳам эстетик вазифа адо этиши мумкин бўлса-да, уларнинг тасвирийлик даражаси бир хил эмас. Гарчи бадий матндаги воқеа-ҳодисалар баёнида барча гап бўлаклари фаол иштирок этса-да, лингвопоэтик нуқтаи назардан содда гап таркибидаги иккинчи даражали бўлаklar, айниқса, аниқловчи, изоҳловчи ҳамда равиш ҳоли муайян аҳамият касб этади.

Аниқловчи грамматик нуқтаи назардан бошқа бўлаklarнинг кенгайтирувчиси тарзида бўлакнинг бўлаги ҳисобланса-да [Маҳмудов, Нурмонов, 1995, б.93; Ортиқова, 2005, б.10], лингвопоэтик жиҳатдан ижодкорнинг сўз қўллашдаги асосий воситаларидан биридир. Улар бадий аниқловчилар – эпитетлар сифатида адабий асар матнида муҳим лингвопоэтик аҳамият касб этади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги ҳар бир персонаж тасвири ўз бадий бўёғига эга. Қиёс учун: Кумуш тасвирида *қора зулф, қуюқ жинггила киприқ, тимқора кўзлар, қоп-қора, нафис, қийиқ қошлар, тўлган ой-дек ғуборсиз оқ юз, оқ нозик қўллар, латиф бурун*; Жаннат кампир тасвирида *бўйи пакана, бурни юзи билан теп-текис, оғзи катта, кўзи чуп-чуқур, ўзи сап-сариқ* сингари аниқловчилар қўлланган. Шоир ифодаляётган нарсаси, воқеа-ҳодисаси, жараён, ички кечинмалар белгисини аниқлашда ҳам аниқловчи ёрдамга келади. *Кўзлари чақмоқ тулпор, Туёғи чақмоқ тулпор. Сувлиқ лабларин йиртган, Ёллари байроқ тулпор* (У.Азим).

Бадий матнларнинг самимийлигини, миллийлигини, халқчиллигини, жонлилигини ва таъсирчанлигини таъминлайдиган синтактик бирликлардан яна бири изоҳловчидир [Досанов, 1994, б.18-19]. Уларнинг асосан сўзлашув ва ундан кўчган ҳолда бадий нутқда қўлланиши ўзбек халқи менталитетига мос келади: *Қодир қулни чевараси, Холмат малайни невараси, Эсон хизматкорни боласи Ботир Қушчи тумандан айниб келди* (Т.Мурод). Ўткир Ҳошимовнинг «Ош» ҳикоясида қўлланилган изоҳловчилар ҳам юқоридаги фикримизнинг исботи бўла олади: *Профессор Обид Расулевич, Холиқ тажанг, Шокир вағ-вағ, Ҳусанбой полвон, Қўчқор қассоб, Каримберди ошпаз, Расул сартарош* каби.

Баъзан изоҳловчи асар сарлавҳасига олиб чиқилади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Тошпўлат тажанг нима дейди», «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида», «Обид кетмон» асарлари ана шу принципдан келиб чиқиб номланган. Баъзан изоҳловчи-изоҳланмишнинг ўрни алмаштирилганда экспрессивлик ҳосил бўлади. Жонли тилдаги бу ҳодиса бадий нутққа кўчирилади. Масалан, Ўткир Ҳошимов «Қулоққа айтадиган гап» ҳикоясида асар қаҳрамонини *Тиркаш ака* демасдан, *ака Тиркаш* дейди ва бу ифода табиати ҳамда услубига бутунлай мос келади. Чунки Тиркаш лўли ва лўлилар изоҳловчили бирикмани *Тиркаш ака* тарзида қўлламайди: *Лўлитўп маҳаллалик ака Тиркаш бор-ку!*

¹Юсупова Орзибони Суннатовна – доцент, Самаркандский государственный университет, Узбекистан.

Анави-чи, эшак аравада эшикма-эшик юриб, «бути-и-и-илка принимаю-ю-ю!» деб бақирадиган (Ў.Ҳошимов).

Изоҳловчининг табиатида экспрессив-стилистик оттенка мавжудлиги унинг бадий матнларда лингвопоэтик вазифа бажариши қулай шароит яратади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарида ҳар бир изоҳловчи «гапиради»: *Зиё шоҳичи, Мирзакарим қутидор, Ўтаббой қушбеги, Райимбек додхоҳ, Салим шарбатдор, уста Алим каби номлар персонажларнинг касб-коридан хабар бериб турса, Ҳомид хотинбоз, Қовоқ девона, Зайнаб гумбаз таркибидаги изоҳловчилар маълум маънода уларни фош қилиб туради. Англашиладики, изоҳловчилар ижодкор мақсадни, ғояларини очишда ёрдам берадиган ҳамда бадий матнда эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига оладиган аниқловчидир.*

Бадий матнларда ҳолнинг барча тури фаол қатнашади, бироқ эстетик таъсир вазифасини бажаришда равиш ҳоли асосий ўрин эгаллайди. Чунки асарда қаҳрамонлар кўриниши, характери сифатловчи аниқловчи ва изоҳловчи орқали ифодаланса, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати равиш ҳоли орқали ифодаланади. *Вазифавий жиҳатдан аниқловчилар ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини англатувчи равиш ҳолига жуда яқин туради* [Ортиқова, 2005, б.8]. Худди шу фикрни равиш ҳолига нисбатан айтиш мумкин, яъни равиш ҳоли вазифа жиҳатдан сифатловчи-аниқловчиларга яқин туради.

Равиш ҳоли асар поэтикасини шакллантиришда муҳим лингвопоэтик восита бўлиши мумкинлигини Тоғай Муроднинг асарларида кузатамиз. «Бу дунёда ўлиб бўлмайдми» да: *Қушчи калондимоғ-калондимоғ қадам босди. Кибор-кибор қулоч отди. Керма қош-керма қош боқди. Колхоз идораси қошида оёқ илди. Идора томига сердимоғ назар солди. Гап йўқ, сўз йўқ – нарвондан томлади. Томда қўллари кетига қўйди. Том бош-адоғилаб қадамлади. Вазмин-вазмин қадамлади. Олисларга доно-доно боқиб қадамлади. Бирдан қозикдай қоқилиб қолди. Мисоли ҳайкал бўлиб қолди; Оймомо нозланиб-нозланиб ўйнади. Бармоқларини қирсиллатиб-қирсиллатиб ўйнади. Шундай хушруй ўйнади-шундай хушруй ўйнади!; Уфқ қорайиб-қорайиб келди. Қоп-қора булутлар кўпириб-кўпириб тошди. Булутлар тошиб-тошиб келди, булутлар ёйилиб-ёйилиб келди* (Т.Мурод).

Равиш ҳоли ҳаракат тарзини бу тарзда образли ифодалагани боис шеърятда ҳам ниҳоятда фаол қўлланади: *Аста-аста, бир-бир этди ром, Юракларни оҳанграбо куй. Дедиларки: – Қани, ошнажон, Бойсунингни бир кўрсатиб қўй (Усмон Азим). Дарёнинг қум қирғоқларида Яп-яланғоч ётар саратон... Мен қичқирдим қулоқларига: – Отинг нима? Мудрама! Уйғон! (Усмон Азим) каби.*

Хуллас, юқоридаги фикр-мулоҳаза ва мисоллардан англашиладики, гап бўлаклари орасида аниқловчи семантик-стилистик табиатига кўра бадийятга яқин ва *эпитет* атамаси билан троплар тизимида мустаҳкам ўрин олган. Изоҳловчилар эса ижодкор мақсадни, ғояларини очишда ёрдам берадиган, ментал хусусиятларни ўзида акс эттира оладиган ҳамда бадий матнда эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига оладиган аниқловчидир. Ҳаракатнинг белгисини англатадиган равиш ҳолларида ҳам экспрессивлик хусусиятининг мавжудлиги уларнинг поэтик ифода жараёнида фаол иштирок этишини таъминлайди ва қаҳрамон хатти-ҳаракатини китобхон кўз олдида яққол гавдалантиришда муҳим лингвопоэтик восита бўла олади.

Адабиётлар:

1. Досанов Н. Ўзбек халқ эртаклари тилида аниқловчилар: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1994.
2. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.
3. Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – Москва: Либроком, 2016.
4. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
5. Ортиқова Н. Гап тузилишида аниқловчининг ўрни: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Фарғона, 2005.
6. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.

© О.С. Юсупова, 2019